

Президент Шавкат Мирзиёев Марокаш подшоҳига таъзия йўллади



23:14 / 09.09.2023 1140

2023 йил 9 сентябрь куни Марокашда 7,2 магнитудали зилзила содир бўлди. Оқибатда кўплаб бинолар вайрон бўлгани, мингга яқин одам ҳалок бўлгани ва жароҳат олгани ҳақида хабар берилди. Ҳудудда кутқарув ишлари бошлаб юборилган.

Марокаш ҳудудида юз берган кучли зилзила оқибатида кўплаб одамлар қурбон бўлгани ва жиддий жароҳат олгани, катта талафотлар кўрилгани муносабати билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марокаш Подшоҳи Муҳаммад VIга таъзия йўллади.

Давлатимиз раҳбари вафот этганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди, жабрланганлар тез фурсатда соғайиб кетишини тилади.





